

Ishonch

2020 йил 18 январь • шанба • № 12 (4297)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 январь куни Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Жаҳон банки гуруҳи дунё миқёсидаги етакчи молиявий институт бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг янги дастурини амалга оширишда стратегик шерикдир.

Банк экспертлари Ўзбекистонда қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, банк-молия ва солиқ, таълим соҳаларида модернизация ишларини самарали амалга оширишга доир таклифларни ишлаб чиқишда, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда бошқа устувор йўналишларда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ва давом эттирилаётган лойиҳаларнинг қиймати 5,5 миллиард долларни ташкил этади.

Ўтган йили ушбу глобал молиявий институт умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган янги истиқболли лойиҳаларни маъқулади. Навоий вилоятида қуёш электр станциясини куриш бўйича қиммати савдоси, шунингдек, Вашингтон шаҳрида «Мамлакат платформаси» тақдими мунтазам равишда амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги яқин ҳамкорлик, очиқ ва конструктив мулоқот натижасида эришилганини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Сирил Мюллер Жаҳон банки гуруҳи президенти Дэвид Мелпасснинг самимий саломини етказиб, ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор қайд этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Муҳим тармоқларда, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, нефть-газ, транспорт ва бошқа соҳаларда ислохотларни давом эттиришга қўмақни кенгайтириш ҳамда қашшоқликка қарши курашиш борасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик бўйича узқ мuddатли янги стратегияни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 75-моддасига мувофиқ:

Аюпов Шавкат Абдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти директори

Баситханова Эльмира Иркиновна – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси

Рафиқов Қудратулла Мирсагатович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Раҳманкулов Мир-Ақбар Ходжи-Ақбарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари

Саидов Сирожиддин Саломович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Сайфуллаев Бахтиёр – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири – Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

Санакулов Қувандик – «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Сафоев Содиқ Солихович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари

Турдиев Содиқжон – Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқаруви раиси

Ходжиматов Минҳажиддин Мирзажанович – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Худайбергенов Турсинхан Айдарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси

Юлдашев Беҳзод Саидович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 январь

Танлов

Йил эътирофи

Танзила Норбоева –
Энг фаол давлат арбоби –
Ўзбекистонда йил одами



Пойтахтимиздаги «Зарафшон» киноконцерт залида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА ташаббуси билан ўтказилган «Йил танлови – 2019» танловининг тақдирлаш маросими ўтказилди.

Вазирликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари вакиллари, журналистлар ва блогерлар иштирок этган тадбирда 2019 йилнинг фаол, очкилик ва шаффоқлик тамойили асосида ишлаган арбоблари, намунали худуд-ташкilot ва вазирликлари аниқланди.

Хусусан, «Халқ дardини кун тартибига қўя олган депутат» номинациясида Расул Кушербаев, «2019 йилнинг энг намунали вазирлиги» номинацияси бўйича Адлия вазирлиги (1-ўрин), «2019 йилнинг энг намунали худуди» номинацияси бўйича Самарқанд вилояти (1-ўрин), «2019 йилнинг энг намунали давлат ва жамоат ташкилоти» номинацияси бўйича Дав-

лат хизматлари агентлиги (1-ўрин), «2019 йилда энг кўп ўзгариш қилган вазирлик» Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Журналистлар билан энг яхши муносабат ўрнатган матбуот хизмати» – Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати деб топилди.

Бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам ғойиблар аниқланиб, уларга махсус статуткалар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Эслатиб ўтамиз: ғойибларни аниқлашда ижтимоий тармоқлардан фойдаланилди. Биринчи босқичда сўровномани 1 миллион нафарга яқин интернет фойдаланувчилари кузатиб, 300 минг нафари овоз берган бўлса, иккинчи босқичда ижтимоий тармоқларда энг кўп овоз олган иштирокчилар 50 нафар фаол журналист ва блогерлар орқали баҳоланди.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Ишчи гуруҳ йиғилиши

Хотин-қизлар муаммолари бартараф этилади

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз турмуш даражасини юксалтириш ва одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашга қаратилган. Мазкур жараёнда хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш муҳим ҳисобланади. Бу йўналишдаги ишларни тизимли равишда такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасадлигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика Ишчи гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Президент маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситханова, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси Шавкат Жавлонов иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи раҳбари Қудратилла Рафиқов бошқарди.

Олдинда турган долзарб вазифалар белгилаб олинди, амалга оширилаётган ишлар бўйича йўл харитаси қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бугун давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган муаммоларни зудлик билан бартараф этишда тизимли

ишлар амалга оширилмоқда. Республика Ишчи гуруҳи фаолиятининг асосини ҳам айнан мана шу мезонлар ташкил этади.

Йиғилишда ўз таркибига Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳаллалар кенгаши, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Маънавият ва маърифат маркази вакиллари қамраб олган мазкур Ишчи гуруҳ фаолиятининг дастлабки манзили сифатида Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани танланди. Вакиллар бу ҳудуддаги 38 та маҳалладаги ҳар бир оиллага кириб, хотин-қизлар билан суҳбатлашади, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хотин-қизларнинг бандлик даражаси, даромадини ошириш манбалари, тадбиркорликка жалб этиш имкониятлари, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ўрганади. Уларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматлар сифати ҳамда самарадорлиги, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида етказиб берилишининг сифат даражаси аниқланади, оилаларда фарзандлар таълим-тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо Улўғбек Абдусаломов олиб борди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Йиғилишда Сенат аъзоларини рўйхатга олиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи мажлисларини чақиришга оид масалалар кўриб чиқилди.

2020 йил 16-17 январь кунлари, Сайлов кодексига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлислари ўтказилди.

Уларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий кенгашлар томонидан 6 нафардан жами 84 нафар сенатор сайланди.

Қўшма мажлислар баённомаларига асосан Олий Мажлис Сенати аъзолари рўйхатга олинди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»

КУН НАФАСИ



Германияда «Яшил ҳафталик – 2020» халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиздан ҳам вакиллар қатнашмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон Қаҳрамони **Содиқжон Турдиев** «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган «Динасли оловбардош материаллари тайёрлаш учун омихта» ихтироси учун IAP 05911 рақамли патент олди.

Анджон шаҳрида жисмоний имконияти чекланган бир гуруҳ хотин-қизларга Президент совғаси – ногиронлик аравачалари топширилди.

Ирландиянинг «Ookla» компанияси «Speedtest.net» сервис хизмати томонидан тузилган «Speedtest Global Index» ойлик рейтингда Ўзбекистон белгиланган ва мобиль интернет тезлигининг ўсиш кўрсаткичлари бўйича юқори поғонага кўтарилган.

Келгуси сонларда ўзинг...

Шулга қул бўлмаслик сирини
ёхуд мувозанат мезони қандай?



Замонавий шпипак ўғрилари ёхуд патент тролларини


Хотин-қизлар муаммолари бартараф этилади

41 Сўхбат давомида жойида ҳал этиш мумкин бўлган муаммолар аниқланса, секторлар раҳбарлари билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Ечимини кутаётган масалалар бўйича эса ҳар бир маҳалла бўйича маълум муддатга мўлжалланган туман, вилоят ва республика миқёсидаги Манзилли дастурлар ишлаб чиқилади. Улар асосида оғир турмуш шароитидаги хотин-қизлар, шу жумладан, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож оилалар, ногиронлиги бор инсонларнинг муаммоларини бартараф этиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўр-тасида тадбиркорликни ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, оилалардаги қадриятларни мустаҳкамлаш йўналишларидаги ишлар бажарилади.

Республика Ишчи гуруҳи томонидан ишсиз хотин-қизларни касбга ўргатиш, маҳаллаларда сайёр меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш, саломатлигини тиклашга бемор аёлларни шифохонага жойлаштириш, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни зарур реабилитация воситалари билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилади.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган аёлларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ихчам тарздаги намунали никоҳ ва суннат туйларини ўтказиш борасида амалий ёрдам кўрсатилиши ҳам алоҳида таъкидланди.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари



Сирдарё вилояти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддиликда Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш республика Ишчи гуруҳи 17 январь куни Сирдарё туманида ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш



бўйича Республика Ишчи гуруҳи раҳбари Қудратилла Рафиқов таъкидлаганидек, гуруҳ аъзолари туманда мавжуд 38 та маҳалла ҳудудидаги ҳар бир хонадонга кириб, уларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар билан сўхбатлашиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, оила муҳити, хотин-қизларнинг бандлик даражаси, даромадларини

шахсий уй-жойга эга эмас ва бугунги кунда турмуш ўртоғининг яқин қариндошиникида яшаб келмоқда. Яқинда саратон касаллиги билан курашган қайнона вафот этган. Турмуш ўртоғи Музаффар ҳозирда ишсиз, шу билан бирга, тиббий даволанишга муҳтож.

Ушбу маҳаллада яна бир хонадон ишчи гуруҳ сўровномасига қайд этилди: Гулноза



меҳнат дафтрасида юритувини давом эттириш таклифи берилди.

Навбатдаги хонадон соҳиби Назира Тиллаева йўқловдан хурсанд бўлиб, 5 йилдан буён ёлғиз яшаб келаётгани, ҳолидан сўраб келувчилар қаторида давлат ходимлари борлигидан миннатдорлигини изҳор қилди. Узоқ йиллар тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаган Назира опа ҳозирда нафақа олиб келмоқда. Аммо анемия, гипертония касаллиги билан оғриши сабаб сўхатгоҳ учун йўланма олиши зарурлиги қайд этилди.

Туманда ишчи гуруҳ фаолияти давом этмоқда. Бу борада аниқланган камчилик ва муаммолар имкони бўлса – жойида, ечимини кутаётган муаммолар эса маълум муддатга мўлжалланган туман, вилоят ва республика миқёсидаги Манзилли дастур ишлаб чиқиши билан ҳал этилади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»


Ишчи гуруҳ – Сирдарёда

ошириш манбалари, тадбиркорликка жалб этиш имкониятларини ўрганади. Юзма-юз мулоқотлар давомида кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматлар сифати, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида етказиб берилишининг сифат даражаси аниқланади, оилаларда фарзандлар таълим-тарбияси масаласига эътибор қаратилади.

Ишчи гуруҳ аъзолари туманининг сектор ҳудудлари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда ишга киришди.

Фаолият давомида Бахт шахридаги «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган Машҳура бир неча муаммоларга дуч келгани маълум бўлди. Икки фарзанд уяғайётган оила

Рафиева икки фарзанди билан ота-онаси, акалари хонадонида яшаб келмоқда. Кенжа фарзанди – 9 ёшли Озодбекнинг туғма ногиронлиги бўлиб, бугунги кунда боланинг уй шароитида таълим олиши таъминланган. Доимий равишда йўланма асосида тиббий муолажаларни олиб келмоқда. Бирок касаллик оқибатида жигар етишмаслиги пайдо бўлган. Ҳозирда Озодбек учун жароҳлик амалиёти ўтказилиши зарур. Гулноза Рафиева фарзанди парвариши билан бўлиб, ишлаш имкониятига эга эмас. Илгари тикувчилик фабрикасида ишлаган ва бу хунари яхшигина эгаллаган. Шу муносабат билан унга уй шароитида хунарманд-тадбиркор бўлиш, ишга жалб қилиш орқали



Навоий вилояти

Зарафшон шаҳрида «Касба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг тарғиботига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинар


Янги қонун кафолатлари

Унда қонунда ишчи-ҳодимларнинг касба уюшмасига бирлашиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ даражасида кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ тамойилларига мос равишда Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқароларининг касба уюшмалари нафақат корхона, ташкилотларда, балки барча иш ўринларида тузилиши мумкин экани белгилангани эътироф этилди. Битта ташкилотда ишлаётганларгина эмас, балки бир неча ташкилотда ишлаётган ходимларга ҳам ўзаро бирлашиб, касба уюшмасини тузиш имкони берилгани алоҳида таъкидланди.

Савол-жавобларга бой ўтган семинарда ҳисобот-сайловларга пухта тайёрлик кўриш бўйича бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериш ҳақида ҳулосага келинди.

Линура ОСТАНАЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси

Иш берувчининг касба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари



Хоразм вилояти

Жорий йил касба уюшмалари тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган бурилишлар даври бўлиши кутилмоқда. Бу «Касба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонуннинг амалга киритилиши ва барча бўғинларда ҳисобот-сайловлар ўтказилиши билан боғлиқ.

Тадбир

Қонун қачон кучли бўлади?

Олдинда турган долзарб вазифаларни бошланғич ташкилот етакчиларига етказиш мақсадида Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тармоқ касба уюшмалари туман-шаҳар кенгаши ва бошланғич касба уюшма кўмиталари раислари иштирокида семинарлар ташкил қилмоқда. Ҳазорасп ва Хонқа туманларида ўтказилган семинарларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар бошланғич ташкилот етакчиларини ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда касба уюшмаларининг мавқеини янада мустаҳкамлаш чораларини кўришга ундади. Янги қонуннинг мазмун-моҳияти, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари, жамоа шартномалари ва келишувлари, касба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

— Қонун қачон кучли бўлади? Қачонки, биз уларни яхши билсак, тўғри фойдалансак, — дея таъкидлади Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Даврон Аллақулиев. — «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун барча даражадаги касба уюшма ташкилотлари мавқеини мустаҳкамлаб, аъзолар манфаатини фойдалашдаги ролинини кучайтиришга хизмат қилади. Бу зимма-мизга катта масъулият юкланади, дегани ҳамдир. Ҳар бир ишловчи ушбу қонунда назарда тутилган имтиёزلардан баҳраманд бўлишига эришимиз шарт.

Бирлашма мутасадди ходимлари жамоа шартномаларининг ўтган йилдаги ижроси ва жорий йил учун киритилдиган ўзгаришларни касба уюшма аъзолари билан биргаликда таҳлил қилиш жараёнида, янги жамоа шартномасини тасдиқлашда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатларга тўхталди. Янги қонун билан амалга киритилаётган меъёрлар, тартибларнинг аҳамияти тушунирилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини ўтказиш тартиблари, янги таркибдаги касба уюшма кўмиталарини шакллантиришдаги талаблар ҳақида маълумотлар берилди.

Семинарларда таъкидланганидек, иш берувчи кам ҳақ эвазига кўп иш қилинишини, ходим эса кўп иш ҳақи эвазига кам иш қилинишни истади. Бу жараёнда касба уюшмалари тарози вазифасини бажариб, аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиши, корхона ва ташкилотдаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномаларида ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи меъёрлар кўпроқ киритилишига эришимиз лозим.

Бундай семинарлар барча туман-шаҳарларда давом этмоқда.

Мухаббат ТўРАБЕКОВА,
«ISHONCH»

Ёндашув

Тарғибот зарурати

«Биокимё» акциядорлик жамиятида «Касба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда қайд этилганидек, мамлакатимизда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам қўллаб-қувватлаш ва халқаро меҳнат стандартлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига янгича ёндашушни талаб этади. Шу боис, янги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда касба уюшмаларига ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган меҳнат инспекцияларини тузиш ҳуқуқи берилди.

Семинарда қонунда янги моддаларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича фикр билдирилди. Қонун билан касба уюшмалари ўз фаолиятида, жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақиллиги, улар олдида ҳисобдор эмаслиги ҳамда улар томонидан назорат қилинмаслиги мустаҳкамлаб қўйилгани айтиб ўтилди.



Йиғилишда «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонунни касба уюшмалари фаоллари ва аъзолари ўртасида кенг тарғиб этишга оид чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шаҳина ЖўРАЕВА,
Киёмё ва фармацевтика санائоти ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси



Тошкент вилояти

Миннатдорлик

Бугун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, меҳнат фахрийларига эътиром кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг тасдиғини кенг миқёсда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нуронийлар эъзозланган юрт

Ўтган йилнинг декабрь ойида мени Янгиер санаторийсининг очилши маросимига таклиф қилишди. Президентимиз ташаббуси билан замонавий услубда, жаҳон стандартлари асосида бунёд этилган ушбу муассасада саломатлигини тикловчи нуронийлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Жумладан, 250 ўринга мўлжалланган санаторий юрак, бош, умуртқа томографияси, қон таҳлилларини текширадиган янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 350 метр чуқурликдан чиқадиган шифобахш, таркибида йод, бром элементлари мавжуд бўлган, таянч ҳаракат аъзолари, асаб тизими, умуртқа остеохондрози, бўғим оғриқлари ва бошқа қўллаб қасалликларни даволашда нихоятда фойдали ҳисобланган маъданли сувнинг борлиги ҳам

саломатлигини тикловчилар учун даволанишни самарали бўлишини таъминлайди. Мана шундай кенг имкониятларга эга санаторийда даволаниш учун қўллаб-қувватлаш қаторида менга ҳам Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан бепул йўланма берилди. Бундан беша мамнун бўлдим. Кексаларни эъзозлайдиган юрда яшаётганимиз, кўрсатилаётган эътибор учун шукроналар айтдик. Мана шундай савобли ишларга бош-қош бўлиб турган Юртбошимиз ва у кишига қамарбаста бўлиб меҳнат қилаётган мутасаддиларга эзу ишлари бардавом бўлишини тилаб дуолар қилдик.

Эргаш СОДИҚОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани
Нуронийлар кенгаши аъзоси

Молия муассасаларида

«Бу – бизнинг банкимиз, мададкоримиз!»

Ўзбекистон молия бозоридаги энг катта инфратузилмага эга Халқ банкнинг мижозлари унинг хизматларидан мамнун



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабонлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори молия муассасалари фаолиятини бутунлай янги bosқичга олиб чиқди. Бинобарин, ушбу ҳужжат тўғрисида банклар эшиги аҳоли ва мижозлар учун, кенгроқ очилди. Одамлар банкларга иккиланмасдан кела бошлади, уларга нисбатан ҳақиқий хизмат кўрсатиш объекти сифатида қараш шаклланди. Табиийки, бунда тижорат банкларининг янада фаоллашгани, мижоз манфаатига мос сифатли хизмат кўрсатилаётгани қўл келди.

доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилингани шундай сўй-ҳаракатларнинг амалий самараси дейиш мумкин. Жумладан, АҚШнинг «Cargill Inc» компаниясидан 55 миллион евро, Германиянинг «Berliner Sparkasse» банкидан 30 миллион евро ва «ODDO BHF» молия муассасасидан 50 миллион евро, Россиянинг «Азия Инвестбанк»дан 4 миллион доллар ҳамда «Транскапиталбанк»дан 5 миллион евро, Хитой Эксимбанкдан 5 миллион АҚШ доллари, Австриянинг «Raiffeisen Bank International»дан 10 миллион евро, шунингдек, Польшанинг «Bank Gospodarstwa Krajowego» банкидан 20 миллион евролик кредитлар жалб қилиниб, миллий иқтисодиётимиз ривож учун йўналтирилмоқда.

Хусусан, мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг 177 та лойиҳасига 76,9 миллион АҚШ доллари зияда кредит ажратилди. Жумладан, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш учун 97 та лойиҳага 58 миллион АҚШ доллари, мева-сабзавотларни сақлаш учун совиткичи сифимлар ташкил қилиш мақсадида 52 та лойиҳага 13,6 миллион АҚШ доллари, интенсив боғ барпо этиш учун 5 та лойиҳага 2,2 миллион АҚШ доллари, мева-сабзавотларни

қайта ишлаш ва қadoқлаш учун 13 та лойиҳага 2,6 миллион АҚШ доллари ва бошқа йўналишлар учун 10 та лойиҳага 450 минг АҚШ доллари ортиқроқ маблағлар ажратилди. Бу эса кишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлар имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан якунига етган йилда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиҳага 99,2 миллион АҚШ доллари ортиқроқ маблағлар йўналтирилди. Шунинг 80 миллион АҚШ доллари қорамол сотиб олишга қаратилган 567 та лойиҳага берилган бўлса, 2,4 миллион АҚШ доллари 18 та лойиҳага қўй-эчки сотиб олиш учун тақдим этилди. Мазкур йўналишда техника харид қилишга 84 та лойиҳага 7,5 миллион АҚШ доллари ҳамда асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олиш учун 42 та лойиҳага 9,3 миллион АҚШ доллари зияда кредит маблағлар йўналтирилди.

Шу билан бирга, банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 миллион АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 миллион АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 лойиҳага 5,9 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

йўналишда тадбиркорлик билан шуғулланиётган ва мазкур соҳага қизиқиш билдираётган ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Мисол учун, Бахмал туманидаги «Бахмал милк» фермер хўжалигида ҳозир йиғирмага яқин киши меҳнат қилмоқда. Фермер хўжалигига Халқ банкнинг Бахмал филиали томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 245 минг АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит берилган эди. Мулқдор ушбу сармояга Германиядан 141 бош насли қорамол олиб келди.

– Мазкур кредит тўғрисида ишмишни йўлга қўйиб олдик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Шавкат Халилов. – Шу билан бирга, чорва комплексини янада кенгайтириш борасида олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Аввало, яна 400 бош қорамол олиб келишни режалаштиряпмиз. Албатта, бунда ҳам Халқ банки кўмагига таянамиз. Эндиликда сутни қайта ишлашни ҳам ўзимизда ташкил қилишни мўлжаллапмиз. Агар бу мақсадларимизни рўёбга чиқарсак, яна 60 кишининг бандлиги таъминланади.

Германия ва Австриядан келтирилган насли қорамолларни ўзимизда кўпайтириш ниятидамыз. Бу лойиҳамиз ҳам рўёбга чиқишига ишончим комил. Чунки бизни Халқ банки доим молия-



«Зиёда» фермер хўжалигининг чорвачилик фермасида 40 та янги иш ўрни яратилган.

– Лойиҳамизни рўёбга чиқаришда Халқ банки томонидан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари миқдордаги кредит айти мудоао бўлди, – дейди ферма раҳбари Иброҳим Абдураҳмонов. – Фермада кунга ўртача 10 тонна сут соби олинади. Келажакда ушбу сут маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам режалаштирмақдамиз.

2019 ЙИЛДА ХАЛҚ БАНКИ

Утган йилда Халқ банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада 36 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

«Ёшлар – келажакимиз» жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида 2018-2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан утган йили 3267 нафар ёш тадбиркорга 542 миллиард 228 миллион сўмлик кредитлар тақдим этилди.

Банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилинди.

«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича 101 176 оилга 1 798 330 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 миллион АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 миллион АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 лойиҳага 5,9 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Поёнига етган йилда Банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиҳага 99,2 миллион АҚШ доллари ортиқроқ маблағлар йўналтирилди.

«Халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилинди.

Хизматлар лицензияланган.

РЕАЛ СЕКТОР УЧУН – РЕАЛ САРМОЯ

Халқ банки ўз фаолиятида капиталлашувни янада кучайтириш, инвестициявий фаолликни юксалтириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2019 йилда банк томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳамда уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ҳукумат кафолатисиз банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ

БИЗНЕСНИ БИЗ БИЛАН БОШЛАНГ!

Бугун мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган катта завод куриши иштирокида Бинобарин, Халқ банки айнан мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаётганининг боиси ҳам шунда. Халқ банки ва бошқа тижорат банкларини томонидан 2019 йилда республикамиз бўйича чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича 1 триллион 340 миллиард сўмлик 865 та лойиҳани молиялаштириш ҳисобига четдан жами 365 034 бош чорва моли олиб келинди. Натижада 5 600 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ажратилган 94,1 миллиард сўмлик кредитлар ҳисобига четдан яна 17 512 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилмоқда. Бу борада ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмалари билан фаол ҳамкорлик олиб бориляпти.

Эътироз этиш кераки, ҳозирги кунда бу

вий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу молия муассасаси ёрдами тўғрисида европаллик ҳамкорларимиз билан шартнома шартлари юзасидан музокаралар олиб бораёямиз. Энг муҳими, Халқ банки кўмагида ҳақиқий тадбиркор бўлдим!

Халқ банки Теримиз шаҳар филиали мижози «Сурхон чорва насл» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Яъни филиал томонидан жамиятга хорижий кредит линияси ҳисобидан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари эвазига Австриядан 219 бош насли қорамол келтирилди. Бундан ташқари, жорий йилда ушбу давлатдан яна 184 бош қорамол ҳамда Туркиядан сутни қайта ишлаш ускуналари келтирилди. Корхона томонидан йилга қиймати 20 миллиард сўмлик 4 минг тоннага яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жами яратилаётган иш ўрни эса 35 тани ташкил этади.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги

БАРҚАРОР ДАРОМАД КАФОЛАТИ

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Халқ банки ушбу фармон ижроси доирасида хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бизнесига кўмаклашишга катта аҳамият қаратмоқда. 2019 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 36 мингдан зиёд иш ўринлари яратилгани, бунинг натижасида бюджетга 1,2 миллиард сўмлик солик тушувлари тушгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, асосан, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Банк ахборот хизмати



Тошкент шаҳри

Кўпгина корхоналарда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олишмайди. Имконияти чекланган фуқаролар билан сўхбатлашганимизда «бизни ишга қабул қилишмаяпти», деган сўзларни эшитамиз. Аммо... Уларнинг дардини тушунадиган олижаноб, меҳрибон, саховатли инсонлар ҳам бор. Улардан бири пойтахтимиздаги «Нео Строй инвест» МЧЖ раҳбари Нажмиддин Жўраевдир.

– Яхши ташаббус иккинчи бир эзгуликни бошлаб келади. Президентимиз илгари сурган беш ташаббусдан илҳомланиб, кўнгли ярим инсонлар учун доимий иш ўринлари яратиш ҳаракатида тушдим, – дейди у. – Бир пайтлар мен ҳам қўллаб-қувватлашимиз қатори Россияга қатнаб, озми-кўпми ризқимни

топиб юрардим. Кейинчалик кичик тадбиркор сифатида Россиядан электр ва қурилиш молларини мамлакатимизга олиб кира бошладим. Мен ҳамкорлик қилаётган йирик ишлаб чиқариш корхонасида 2 минг нафар кўзи ожизлар ишларди. Махсус йўлақлардан тизилишиб, ишга кириб кетаётган ногиронлиги бўлган одамларга боқиб, кўнглимда Ўзбекистонда ҳам шундай корхона барпо этиш нияти пайдо бўлди. Бундай катта лойиҳани амалга ошириш учун чамаси 15 йил илгари ҳуқуқий асослар деярли шакланмаганди. Шу сабаб бу истагим орзулигича қолаверди. Яхши ният бир кун амалга ошар экан. Мана, ниятига етдим.

Мамлакатимиз ички бозорини электрон техника ва қурилиш моллари билан имкон қадар таъминлаб юрган

оддий савдогар йигитнинг ўз юртида минглаб ногиронлар меҳнатида иштисослашган катта завод куриши иштирокида 2016 йилга келиб аниқ мақсадга айланди. Шундан буён у I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун бугунга қадар 50 та янги иш ўрни яратди. Ички ва ташқи бозорда харидорлиги бўлган 30 турдаги электр ва қурилиш маҳсулотлари айнан шундай имконияти чекланган инсонларнинг меҳнати маҳсулидир.

Айтиш жоизки, тадбиркор корхона ташкил этилгандан буён ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришга 2 миллион 800 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритган. Бир миллиард 700 миллион сўм миқдорда курилиш ишлари бажарилиб, 260 миллион сўмлик маблағ ҳудудини ободонлашти-

риш ва таъмирлашга йўналтирилган.

– Утган йил корхонамиз учун хайрли келди, – дейди тадбиркор. – Маҳсулотларимизни экспорт қила бошладик. Жорий йилда ногиронлар учун яна 100 та янги иш ўрни яратиб, экспорт ҳажмини янада ошириш ниятидамыз. Келажакда ногиронлар ишлайдиган махсус фабрика барпо этиб, улар ҳаётига мазмун бағишламоқчиман. Болаларимиз ногиронлиги бўлган фарзандларимиз учун устоз-шогирд мактабларини йўлга қўямиз.

Корхона ходимларининг айтишича, Нажмиддин Жўраев ишхонада деярли бўш ўтирмайди. Ҳар бир ходимнинг дарди билан қизиқади. Уларга иш излаб юрган ногирон инсонларга янги иш ўринлари борлигини, келиб бемалол ишлаши мум-



кинлигини айтишни тайинлайди.

– Бу корхона – иккинчи уйим, – дейди Рихисвий Муҳаммадалиев. – Раҳбаримиз Нажмиддин ака уйимизда бирор камчиликини билиб қолса, ўзи бош-қош бўлиб, ҳал қилиб беради. Иш жойида иссиқ овқат берилади. Бундай танти тадбиркорлари бор юртда яшаётганимдан бахтлиман.

Дунёни кўришдек бахтдан бенасиб

инсонларга муносиб ва қулай иш ўринлари яратиб, улар ҳаётига оз бўлса-да рўшониқ олиб киришни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган Нажмиддин Жўраевдек тадбиркорлар кўпаяверсин.

Комила БОЙМУРОВА,
«ISHONCH»
Гулчехра МИРЗАЕВА,
журналист

Бор бўл, оқибат

Танти тадбиркорнинг ойдин йўли



Муносабат

ниб, мулоқот олиб бориши мумкинлиги аввал ҳаёлга ҳам келмаган. Ҳозир бу имкониятлар яратиб қўйилди. Ҳар бир факультет талабалари, сардорлари, ёшлар ташкилотлари вакиллари билан биринчи босқичдан тўртинчи босқичга ошқора мулоқот, уларнинг ташкил этибгина қолмай, уларнинг танқидий руҳда ўтишини таъминлаб берганимиз катта самара бермоқда. Талабалар турар-жойлари тазмирдан чиқарилиши баробарида, ёшлар фойдаланиши учун замонавий компьютерлар, телевизорлар муҳайё этилгани, захираси бадий, илмий китоблар билан кундан-кунга бойиб бораётган кутубхоналардан исталган вақтда фойдаланиш имконияти мавжудлиги ҳам сўнгги йилларда олий таълим соҳасига давлатимиз бераётган юксак эътибор самарасидир.

Порахўрлик – коррупцияга қарши ҳар бир факультетда профессор-ўқитувчи ва талабалар билан юзма-юз мулоқотлар ташкил этаётганимиз, ота-оналар билан доимий алоқаларимиз муҳитнинг давлатимиз раҳбари истагани каби шаффофлашиб боришига хизмат қилаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Бу каби тадбирлар кўп.

Президентимиз олдимизга қўйган ва қўяётган вазифаларни бажаришнинг ўзи муаммолар ечимидир. Бу йўлда бор куч-ғайратимизни аямай фидойилик кўрсатишимиз юртимизнинг келажагига эмас, бугунгига ҳам хизмат қилади. Ахир, ҳақиқий зиёлилар, илм аҳли учун бундан ҳам ортиқ бахт-саодат борми? Албатта, йўқ!

Бизнинг университетимизда Хитой, Германия, Япония, Беларусь, Жанубий Корея, Польша, Греция, Чехия, Россия каби давлатларнинг муқобил олий ўқув юртлари билан кенг кўламли тажриба алмашинуви йўлга қўйилди, англашув меморандумлари имзоланди. Жорий ўқув йилида чет элларнинг 20га яқин замонавий лаборатория жиҳозлари олиб келинди ва изланувчан тадқиқотчилар, талабалар учун улардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди.

2019 йил 8 октябрда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони эълон қилинди ҳамда унда олий таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ йўллари ва вазифалари белгилаб берилди. Мазкур ҳаётбахш ҳужжат олий таълимнинг истиқболини ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир.

Бугун дунёни илм-маърифати билан ҳайратга солган буюк аждодларимизнинг аънаналарини давом эттирган ҳолда, энди юксак салоҳиятга эга бўлган олимлар ва иқтидорли ёшларимиз кўп эканини исботлаш фурсати келди.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника
университети ректори



Фарғона вилояти

Учрашув

Ҳарбийлар
эъзозланди

Фарғона вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Фарғона округ полигонига ташир буюриб, ҳарбийларга компьютер ва телевизорлар совға қилишди.

Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги тизимидаги мустақиллик йилларида хизмат вазифини бажариш даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳолидан хабар олинди.

Самандарбек РАҲМОНОВ,
Фарғона вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими mudiri



Қорақалпоғистон Республикаси

Диёнат

Иймон амри



Ватанга муҳаббат инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, у – илоҳий туйғу. Қалбга муҳаббатни Аллоҳ солганидан кейин, гарчи у ҳеч ким яшамайдиган чўл бўлса ҳам, киши уни яхши кўраверади. Имкониятлар чегаралангани, ризқининг танглиги ва шароитнинг торлигига эътибор бермайди, ундан шикоят ҳам қилмайди. Ҳазрати Умар розияллоху анҳу: «Агар Ватан севгиси бўлмаганда, юртлар хароб бўларди», деганлар.

Ватанини обод этиш;
Ватанда фасод ва бузғунчилик ишлари билан машғул бўлмаслик.

Шу кунларда мамлакатимизда давом этаётган Ватанпарварлик ойлиги доирасида ташкил қилинаётган тадбирлар ёшларимиз қалбида муқаддас туйғунини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ҳар биримиз Ватанимизни севишимиз, уни ардоқлашимиз фарз ва қарз учун қайғуришимиз, дўстларини соғинишимиз ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ачиниб, ўқиниб яшайдиган бўлишимиз, дейди машоайхлар.

Инсоннинг Ватани олдида бир неча ҳақ ва вазифалари бор. Уларнинг энг муҳимлари учта:

– Ватанига чин муҳаббат қўйиш;
– Ватанини обод этиш;
– Ватанда фасод ва бузғунчилик ишлари билан машғул бўлмаслик.

Ўқтам ҚУРБОНЎЗОВ,
Амударё туманидаги «Нўғой эшон» жомеа масжиди имом-хатиби

Ўзлиқни намоеён
этиш фурсати

Тарихдан маълумки, жамиятнинг жадал ривожланиши учун улғу шахслар томонидан ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар, ғоялар жамият манфаатларига хизмат қилиши, оддий одамларнинг ҳаёт тарзига ўзгартиришлар киритиши билан улкан аҳамият касб этади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ халқ тақдири, миллат келажагига дахлдор муҳим соҳаларни тубдан ислоҳ қилишга даъват этгани одамларимиз қалбида мударб ётган булоқлар кўзини очиб юборди десак, асло муболаға бўлмайди. Бугун қачқараманг, яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари жадал бораётганига, одамларнинг кайфияти хушнудлигига гувоҳ бўласиз. Халқ манфаати, одамларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшашидек эзгу ғоялар жамиятнинг юксалиши ва тараққиётига ҳам кучли туртки берди. Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги жиддий ислоҳотлар мустақамланиб бораётганини бугунги ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, шижоат ва ғайрати, очик фикрлиги, дунёдан хабардорлиги каби омиллар яққол намоеён этиб турибди.

Таълим тизимини ислоҳ этиш жараёни жадал суръатлар билан давом этмоқда. Тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг мажбу-

Президентимиз олдимизга қўйган ва қўяётган вазифаларни бажаришнинг ўзи муаммолар ечимидир. Бу йўлда бор куч-ғайратимизни аямай фидойилик кўрсатишимиз юртимизнинг келажагига эмас, бугунгига ҳам хизмат қилади. Ахир, ҳақиқий зиёлилар, илм аҳли учун бундан ҳам ортиқ бахт-саодат борми? Албатта, йўқ!

рий меҳнатдан бутунлай озод этилиши, иш ҳақининг оширилиши, олий ўқув юртларига мустақиллик берилишини яқин ўтмишда тасаввур ҳам қила олмас эдик.

Масалан, Тошкент давлат техника университети ректори билан талабалар, уларнинг ота-оналари тўғридан-тўғри боғла-

Ҳикмат

Ҳар бир мамлакатнинг толесини ва тараққиётини ёшларга қандай таълим ва тарбия берилишига ҳар томонлама боғлиқдир.

Абдурауф ФИТРАТ

Сарҳадлар ошаётган
санъат садолари

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройи. Муҳташам санъат саройида Ўзбекистон давлат филармонияси Жимзах вилоят бўлини маси «Санъатимиз сарҳадларидан садолар» деб номланган жонли ижродаги ҳисобот концерт дастурини намойиш этди.

Унда Ватан, истиқлол, миллий анъана ва қадриятлар, осуда, фаровон ҳаётимиз куй-қўшиқлар, гўзал рақсларда тананум этилди. Шу билан бирга, мазкур тадбирда бир қатор ноёб овоз, фавқуллода истеъдод соҳиблари кашф қилинди.

Маълумот учун айтиб ўтиш керакики, Ўзбекистон давлат филармониясининг Жимзах вилояти бўлини маси таркибида 80 дан ортиқ ижрочи, хонанда ва созанда фаолият кўрсатади. Улар ўтган йили Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшчилик санъати фестивалида, Қўқон

шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро хунарманчилик фестивали доирасидаги концертлар, маданий-маърифий тад-



Концерт

Ўз мухбиримиз

Зиёратгоҳ таъмирланади

Буюк алломанинг
мунғайган мақбараси

Ёхуд давлат муҳофазасидаги зиёратгоҳга қачон эътибор қаратилади?



«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 ноябрдаги сонига чоп этилган «Буюк алломаларнинг мунғайган қабри» сарлавҳали мақолага Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти Фарғона вилояти маданий мерос бошқармаси куйидагича жавоб йўллади:

Риштон тумани «Чиннигарон» маҳалласида жойлашган XX асрга тегишли «Соҳиби Ҳидоя» зиёратгоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29

июлдаги 07/1-4669-сонли топшириғи ва вилоят ҳокимлигининг 2019 йил 30 июлдаги 218/01-49-1-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган вилоят ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилоятида қайта хатловдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сонли қарори билан моддий ма-

даний мерос кўчмас мулк объектларининг миллий рўйхатига киритилган.

Риштон тумани «Чиннигарон» маҳалласида жойлашган «Соҳиби Ҳидоя» зиёратгоҳи Департаментнинг 2020 йилда объектларни таъмирлаш дастурига асосан жорий йилнинг 1-чорагида республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан реставрация қилинади.

Бошқарма бошлиғи А.ҲУСАНОВ

«Ishonch»га жавоб берадилар

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-0022
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари «Ishonch-Доверие» бўйича), Мехриддин ШУКУРОВ, (Маъсул қитиб «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул қитиб «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:
Касабга уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлар – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жимзах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж.Наҳонов
Мусаҳҳилар:
С. Шодиева,
З. Холмухаммедова,
Д. Орипов
Саҳифачи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – 00:40
Топширилди – 01:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г – 117.
30688 нусхада босилди.
Навр кўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5 6

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Protoka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130